ЎЛКАМИЗДА НАВРЎЗИ ОЛАМ ШУКУҲИ

2008 ЙИЛ, 20 МАРТ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 53-54 (11.114-11.115) Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, Сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси ташаббуси билан кеча Хоразм Маъмун академиясида «Экин майдонларининг мелиоратив ҳолларини яхшилаш—ердан самарали фойдаланиш гарови» мавзуида семинар бўлиб ўтди.

● Тошкентда Республика Савдо-саноат палатаси, «Ўзбекистон бизнес форуми» лойиҳаси ҳамда «Cintral Asia Consiting Group» хусусий консалтинг компанияси томонидан Соҳавий ривожланиш бўйича эксперт кенгашининг «Ўзбекистон транспорт ва логистикаси: муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари» мавзуида бизнес-форум бўлиб ўтди.

● Наврўз байрами кунларида Тахиатошдаги 32 ёш оила бош ҳомий—Тахиатош ГРЭСи маблағлари ҳисобига қурилган янги уйдан бепул турар жойларнинг калитларини олишади. Яъни, гидроэлектр станциясида ишловчи ва ушбу объектни қўриқловчи ҳарбий хизматчиларнинг оилалари янги уй-жойларнинг соҳиблари бўлишади.

● Кеча Тошкентнинг «Қурувчи» футбол жамоаси ўз мухлисларига Наврўз байрамига ажойиб совға ҳозирлади. Жамоа футболчилари ўз майдонларида Осиё чемпионлар лигаси иккинчи тур учрашувида Эроннинг «Сепахон» жамоасини 2:0 ҳисобида мағлуб этдилар.

● Бўстон туманилик сармоядор Нуриддин Ҳабибов кейинги йилларда аҳолига намунали савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари ташкил этиш билан бирга, қарийб 300 та янги иш ўринлари ҳам яратди. Биргина сервис савдо марказида 20 та тижорат дўкони ва 30 дан зиёд маиший хизмат турлари мавжуд бўлиб, Ёшлар йилида бу ерда юзга яқин маҳаллий йигит-қизларга турғун иш ўринлари вужудга келтирилади.

● Жиззахдаги 29-Меҳрибонлик уйининг капитал таъмирланган бадиий гимнастика зали фойдаланишга топширилди. Гимнастика залига вилоят ҳокимлиги ва гимнастика федерацияси томонидан 600 минг сўмликдан зиёд спорт анжомлари, кийимлари совға қилинди.

● Дўстлик туманидаги савдо фирмалари тижорат банклари билан ҳамкорликда ёш оилаларга кредитга товар сотиш хизматини йўлга қўйди. Айтиш керакки, жорий йилнинг ўтган даврида савдо фирмалари ва банкларга шу йўл орқали 30 миллион сўмликдан ортиқ буюртма тушди.

ЖАҲОНДА

● Япония парламентининг юқори палатаси амалдаги раҳбарнинг ваколат муддати тугаши муносабати билан мамлакат Марказий банки раҳбарлигига Кодзи Танами номзодини қўллаб-қувватламади. Айтиш керакки, юқори палата депутатларининг аксарият қисмини мухолиф партия аъзолари ташкил этади. Шу сабабдан Танами номзодига 125 нафар депутат қарши овоз берган, 112 нафари эса қўллаган.

● Ўз ҳалокатига қадар Беназир Бхутто бошқарган Покистон халқ партияси вакили Фехмида Мирза Покистон Миллий ассамблеясининг спикери этиб сайланди. 51 ёшли Фехмида Мирза омадли «ишбилармон хоним» ҳисобланади ва мамлакат парламентига учинчи бор сайланган.

● Кеча Хорватия ва Венгрия Косово мустақиллигини тан олди.

● Кеча АҚШ пойтахти Вашингтонда Ироқда кўплаб қон тўкилишига сабаб бўлаётган ҳарбий ҳаракатларнинг бошланганига 5 йил тўлиши муносабати билан норозилик намойиши бўлиб ўтди.

● Кеча Грецияда пенсия ислоҳотлари бўйича янги қонун қабул қилинишидан норози ҳолда темирйўлчилар, энергия таъминоти ва бошқа соҳа ходимлари 24 соатлик иш ташлаш эълон қилдилар. Ушбу жараён чоғида полиция билан тўқнашувлар юз берди.

● АҚШ Фаластин мухториятига 150 миллион долларлик молияли ёрдам кўрсатадиган бўлди.

● Расмий Токио Косово мустақиллигини тан олганлиги муносабати билан Сербия Японияда ўз элчисини чақириб олди.

●Жанубий Корея пойтахти Сеулда жаҳон санъати дурдоналари ҳаракатланадиган дунёдаги илк кўргазма очилди. Компьютер технологиялари ёрдамида ўрнатилган экспозицияларда мухлислар масалан Жоконда сурати билан сўзлашишлари ва антик ҳайкалларнинг ҳаракатларини томоша қилишлари мумкин. Кўргазмани тайёрлаш ва техник жараёнларни амалга ошириш учун икки йил муддатлик вақт кетди.

● АҚШ Тибетдаги воқеаларга қарамасдан Пекиндаги ёзги Олимпиада ўйинларини бойкот қилмаслигини билдирди.

●Арманистон парламенти «Мажлислар, митинглар ва намойишлар ўтказиш тўғрисида»ги қонунга ўзгартишларни қабул қилди. Мамлакат парламенти спикери Тигран Торосяннинг таъкидлашича, ушбу қонунга киритилган ўзгаришлар жорий йилнинг 1-2 март кунлари рўй берган воқеаларнинг қайтарилмаслигига йўналтирилган.

ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

Қиска сатрларда

● **СЕРГЕЛИ** туманидаги «Оила» марказида қайноналар мактаби ўқув курси тингловчиларининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди.

● **РЕСПУБЛИКА** Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Учтепа туман бўлими ташаббуси билан Наврўз байрамига бағишланган тадбир уюштирилди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Машинасозлар» маҳалласида Наврўз айёмига бағишлаб туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида уюштирилган тадбир «Ассалом, Наврўз» деб номланди.

● **КЕЧА** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати—Ўзбекистон либерал-демократик партияси фаоллари иштирокида ўтказилган тадбирда хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш чоралари ҳақида сўз борди.

● **ТОШКЕНТ** Банк коллежи талабалар турар жойида БУГУН Наврўз муносабати билан ўтказилган байрам тадбири ва сумалак пишириш маросимида коллеж ўқувчилари ҳамда ўқитувчилари иштирок этишди.

● **КЕЧА** Собир Раҳимов Политехника касб-ҳунар коллежида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган тадбир «Наврўз айёми муборак» деб номланди.

● **ЧИЛОНЗОР** туманидаги 126-мактабда уюштирилган «Очиқ эшиклар куни» тадбирида мактаб ўқувчилари, ўқитувчилари ҳамда ота-оналар иштирок этишди.

● **ТОШКЕНТ** Молия институтига таълим сифатини янада яхшилаш мақсадида замонавий педагогик технологиялар келтирилди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар Адлия бошқармаси ташаббуси билан янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг жамият тараққиёти ривожида тутган ўрнига бағишлаб ўтказилган семинарда ҳуқуқшунослар иштирок этишди.

● **НАВРЎЗ** айёмига бағишлаб «Универсал» спорт мажмуасида шаҳримиз мактаблари жамоалари ўртасида ташкиллаштирилган «Қувноқ стартлар» мусобақаси ғолиблари тақдирланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).



БУГУНГИ КУНДА СИФАТНИ БОШ МЕЗОНГА АЙЛАНТИРИБ ДАВР ВА БОЗОР ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР ТАЙЁРЛАШНИ ЙЎЛГА ҚЎЙГАН ТАДБИРКОР ЖАМОАЛАР ХАРИДОРЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШГА, БУЮРТМАЧИЛАРНИ КЎПАЙТИРИШГА ЭРИШМОҚДАЛАР. АЙНИҚСА, УЛАРНИНГ «ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЙЁРЛАНГАН» ЁРЛИҚЛИ ТОВАРЛАРИ ХОРИЖ БОЗОРИДА ҲАМ ЎРИН ТОПАЁТГАНИ ИЗЛАНИШЛАРИДАН ЁРҚИН ДАЛОЛАТДИР.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

ДАВР ТАЛАБИ АСОСИДА

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «DAVR SHAMS JIHOZ» масъулияти чекланган жамиятининг иш бошлаганига икки йил тўлмаган бўлсада, корхонанинг тадбиркор раҳбари Бахтиёр Шокировнинг тинмай изланишлари, ҳамкорлар билан алоқалари ўз самарасини бериб маҳсулот турлари, ишлаб чиқариш ҳажми кундан кунга ортиб бормоқда. 2006 йилда корхона мебелсозлари томонидан 15 миллион сўмлик замонавий мебеллар тайёрланган бўлса, ўтган йилда бу кўрсаткич бир неча баробарга ортди. Булар турли хил ётоқхона, ошхона, меҳмонхона, идора, болалар, мактаблар учун мебеллар бўлиб, уларнинг дизайни ҳамда мустаҳкамлигига қаратилган эътибор буюртмачиларни беҳад мамнун этмоқда. Шунингдек, ўтган йилда ўз мақсадлари йўлида интилаётган тадбиркорлар экспорт ҳажмини ошириш учун рақобатбардош, экспортга мўлжалланган маҳсулот турларини кўпайтиришга эришдилар. Бунинг учун Туркия, Россия, Хитой давлатларидан энг замонавий дастгоҳ ва ускуналар келтирилдики, бу албатта маҳсулотлар сифатида аксини топди. Айниқса, яқинда ишлаб чиқарилган юмшоқ мебеллар харидорларга манзур бўлмоқда.

Мебелсозлар ўзларининг қисқа фаолиятлари давомида «ЎзГАЗОйл», «12-автосарой», Яккасарой туман ҳуқуқий тиббиёт бирлашмаси сингари корхона ва ташкилотларнинг буюртмаларини муваффақият билан бажаришди. Шунинг баробарида ўз мебелларини Тожикистон давлатидаги харидорларига ҳам етказиб берди.

— Жорий йилдаги режаларимиз ҳам жуда катта, — дейди корхона раҳбари Бахтиёр Шокиров. — Маҳсулотларимизни Тожикистон ва Қирғизистон давлатларига экспорт қилмоқчимиз. Шунингдек, қўшма корхона очиш мақсадида Россия давлатидаги ҳамкорларимиз билан музокаралар олиб бораяпмиз. Касаначиликни ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшиш мақсадида ҳамда Ёшлар йили муносабати билан жорий йилда 20 та қўшимча ишчи ўринлари яратишга ҳаракат қилаяпмиз. Асосий мақсадимиз давр талабидан келиб чиқан ҳолда номимизга яраша мебель жиҳозларини харидорларга етказиб беришдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, корхонанинг изланувчан ва моҳир дизайнерлари буюртмаларни жойларга чиқиб ҳам ўрганишади ҳамда буюртмачи талаб-таклифлари асосида ҳар қандай мебель турларини яратишади. Албатта, бу харидорларга яратилган катта қулайликдир. Энг асосийси эса маҳаллий маҳсулотларнинг импорт ўрнини босишига эришаётганлиги, ишчи ўринлари яратиб аҳоли бандлигини таъминлаётгани ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб иқтисодиёт ривожига, четдан харидорларни жалб этиб, экспортни йўлга қўяётганлиги тадбиркорларнинг муваффақиятларидан дарак беради. Зеро, изланганга ҳамиша омад ёр бўлиши, шубҳасиз.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: корхонанинг тадбиркор раҳбари Бахтиёр Шокиров, янги турдаги ошхона мебеллар тўплами.

Козим Ўлмасов олган суратлар

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ МАЖЛИСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШ ВА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАР РАҲБАРЛАРИ, СОҲА МУТАХАССИСЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИЛАР.

Мажлисда Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2007 йилги иш режаси ижроси таҳлил қилинди ва 2008 йил иш режаси маъқулланди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан 2007 йил давомида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, ахборот ресурсларини шакллантириш, ахборот тизимларини яратиш, ушбу соҳа учун кадрлар тайёрлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Жорий йилда мазкур йўналишдаги ишлар давом эттирилиб, миллий ахборот тизимини шакллантириш, давлат ва хўжалик бошқарувига замонавий ахборот технологияларини қўллаш ҳамда улар асосида интерактив хизматлар кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши қайд этилди.

Мажлисда ахборот-коммуникация технологияларининг долзарб йўналишларидан бўлмиш электрон таълим билан боғлиқ ресурсларни яратишдаги муаммолар ва масофавий таълимни ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ахбороти тингланди. Таълимнинг мазкур йўналишини ривожлантириш истиқболлари бўйича таклифлар билдирилди.

Мажлисда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари изчил ривожланиб бораётгани муносабати билан ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари тобора долзарб аҳамият касб этаётганига эътибор қаратилди. Кенгаш аъзолари давлат бошқаруви органлари ахборот тизимларининг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини экспертиза қилиш методикаси бўйича йўриқнома лойиҳасини кўриб чиқдилар. Вазирлик ва идораларга ахборот хавфсизлиги талабларини таъминлаш борасида ушбу янги йўриқномадан фойдаланишга доир тавсиялар берилди.

(ЎзА)

ПОЙТАХТИМИЗДА "ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ" ЖАМҒАРМАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН БАРПО ЭТИЛГАН "ЧЕМПИОНЛАР ФОРУМИ" СПОРТ МАЖМУАСИНИНГ ОЧИЛИШИ ҲАМДА МАЗКУР ЖАМОАТ ТАШКИЛОТИ ТОМОНИДАН ТАЪСИС ЭТИЛГАН СПОРТ ГРАНТЛАРИ ДАСТУРИ ҒОЛИБЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИ БЎЛДИ.

2008 – Ёшлар йили

ЁШ СПОРТЧИЛАРГА ИШОНЧ ВА ЭЪТИБОР

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилоти вакиллари, спорт усталари, мураббийлар, ёш спортчилар иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни жисмонан ва маънан баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, мамлакатимиз шарафини турли нуфузли халқаро мусобақаларда муносиб ҳимоя этадиган спортчиларни вояга етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртимизда бунёд этилаётган янгидан-янги спорт мажмуалари, стадионлар, мактаблар ана шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

Умидли ёш спортчиларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, янги-янги ғалабалар сари даъват этиш «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир. Жамғарма ташаббуси билан Тошкент ва Самарқандда бунёд этилган қатор мажмуалар ёшларга ўзи қизиққан спорт тури билан шуғулланиш имконини бермоқда.

«Чемпионлар форуми» мажмуаси спортнинг турли йўналишлари бўйича муайян ютуқларга эришган ёшларни халқаро мусобақаларга тайёрлаш учун йўналтирилгани билан аҳамиятлидир. Бу ерда бокс, теннис, якка кураш, сузиш билан шуғулланиш, тренажёр хоналарида машқ қилиш учун барча шароитлар яратилган.

Мазкур жамоат ташкилоти томонидан таъсис этилган ва бешинчи марта топширилаётган Спорт грантлари дастури мамлакатимиз ва халқаро миқёсда дастлабки муваффақиятларни қўлга кирита бошлаган спортчиларни ҳар томонлама рағбатлантиришга қаратилгани билан диққатга сазовордир. Ғолиблар орасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри вакиллари бўлган ҳамда енгил атлетика, дзюдо, таэквондо, самбо, кураш, юнон-рум кураши, бокс, шахмат, сузиш, сувга сакраш, велоспорт каби спорт турлари бўйича нуфузли мусобақаларда ғолибликни қўлга киритган йигит-қизлар бор.

Шундай ғолиблардан бири Сурхондарёнинг Термиз шаҳридаги 12-мактаб ўқувчиси Ирода Иброҳимовадир. У ўсмирлар ўртасида шахмат бўйича республика ва халқаро турнирларда муваффақиятли қатнашиб келади.

Ироданинг айтишича, спорт нафақат ўз билим ва маҳоратини намоён этишга, балки энг эзгу фазилатларни шакллантиришга, вақтни тўғри тақсимлашга, унинг қадрига етишга ҳам ўргатмоқда. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг спорт грантлари совриндори бўлгани эса Ирода каби кўплаб ёшларнинг ўз-ўзига бўлган ишончини, иродасини мустаҳкамлайди, уларни янги марралар сари илҳомлантиради.

Тадбирда Спорт грантлари совриндорларига дипломлар топширилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Ислоҳотлар оқимида

МАСОФАДАН ЎҚИТИШ ТАЖРИБАДАН ЎТМОҚДА

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2003 ЙИЛ 19 ФЕВРАЛДА «ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ИШТИРОКИДАГИ ТАЪЛИМ СЕКТОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИ ЛОЙИҲАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНИБ, УНДА ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕДАГОГЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШДА МАСОФАЛИ ЎҚИТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УЧУН ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИНИ БОШЛАШ ЗАРУРЛИГИ КЎРСАТИЛГАН.

«2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий Давлат дастури»да мактабларни малакали кадрлар билан таъминлаш, ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг янги самарали тизимини яратиш масаласига алоҳида эътибор берилган. Бу масаланинг самарали, камхаражат, қулай ечимларидан бири педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда масофадан ўқитишни амалга оширишдир.

Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида замонавий техника воситаларини ривожлантириб бориш, педагогларнинг 3 йилда бир марта, айрим фанлардан (информатика, миллий ғоя) ҳар йили малака ошириши кўрсатилган.

Юқоридагиларни амалга оширишнинг энг яхши йўли масофали малака оширишдир. Бироқ ҳар йили ёки 3 йилда бир марта малака ошириш иқтисодий жиҳатдан ҳам, мактаб жамоасига ҳам, ўқувчига ҳам, ўқитувчининг ўзига ҳам ноқулайликлар келтириши мумкин.

Бу муаммонинг олдини олиш учун Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти профессор-ўқитувчилари 2006, 2007 йиллар мобайнида барча фан ўқитувчиларига масофали ўқитиш учун ўзларининг маъруза матнларини, тест топшириқларини, электрон версияларини тайёрладилар ҳамда уни амалга ошириш дастурларини яратдилар. Институтдаги барча бўлим ва кафедралар компьютерлари ва бешта компьютер синфлари Интернет тармоғига уланди.

Институт ходимлари учун компьютер саводхонлиги, Интернетдан фойдаланиш ҳамда ўз фанларига татбиқ қилиш бўйича курслар ташкил этилди. Ҳозирги кунда малака ошириш курс машғулотларининг 20-50 фоизида компьютер техникаларидан фойдаланиб дарслар ўтилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошидаги "Мактабларо ресурс" маркази билан ҳамкорликда — 2007 йилнинг ноябрь ойида тажриба-синов тариқасида масофали ўқитиш жорий этилди. Буни институтнинг катта ўқитувчиси Феруза Файзуллаева локал тармоқ орқали "Миллий ғоя" бўйича ташкил этилган гурухлар учун амалга оширди.

2008 йилнинг январ ойидан бошлаб тажриба-синов тариқасида тингловчилар учун қўйидаги талаб ва уларнинг имкониятларидан келиб чиқиб масофали ўқитиш ташкил этилди. Булар тингловчининг ўз ҳоҳиши ва розилиги, уйда ёки ишхонасида компьютер техникасининг мавжудлиги ва унинг интернет тармоғига уланганлиги, тингловчининг компьютер техникаси билан ишлай олиши ва Интернет орқали мулоқот қила билишидир.

Натижада бундай имкониятларга эга бўлган тингловчилардан мактабгача таълим тарбиячиларидан Миробод туманидаги 127-сонли мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Дилором Суюндукова, ҳамда директор ўринбосарларидан Сергели туманидаги 7 ва 8-мактабларнинг директор ўринбосарлари Людмила Гимранова ва Холдар Раҳматовлар масофали ўқитиш орқали ўз малакаларини оширишди.

Улар учун зарур материаллар жойлаштирилган www.do.edunet.uz. сайтдан файдаланиш кераклиги тушунтирилиб, ҳар бирига рўйхатдан ўтган тингловчи сифатида логин парол берилди. Шу асосда Интернет орқали масофали малака ошириш бошланди.

Мазкур курсдан ўтганлар билан суҳбатлашганимизда, бу усул орқали малакаларини ошириш жуда қулай, ҳамда ўз вақтларига қараб шуғулланганлари жуда яхши бўлаётганлигини ва сайтдаги материаллар тушунарли қилиб берилганлигини айтишди. Ўзларининг вақтини, маблағларини тежаб, билим малакаларини ошириб, ўз соҳалари бўйича янгиликлар олганликларини билдиришди.

Тингловчилар билимини назорат қилиш дастури яратилди ва фанлардан тест саволлари тузилди. Тест саволларига малака ошириш жараёнида ўтадиган барча фанлар киритилган бўлиб, тест натижалари тугагандан кейин автоматик равишда сервер компьютерга йиғилган баллар баённомаси чоп этилади. Баённомада ҳар бир фандан олган балларнинг тўлиқ мониторинги чиқади. Бу натижаларни таҳлил қилиб кейинги тингловчилар учун нималарни қўшиш, қандай янгиликларни киритиш устида ишлаш мумкин. Хуллас, шу асосда тажриба синов тариқасида институтимизда масофали ўқитиш орқали малакаларини ошириш бошланди.

Республикамизда бу ишлар таълим тизимидаги малака ошириш соҳасида биринчилардан бўлиб ташкил қилинганлигини ҳисобга олиб Халқ таълими вазирлиги институтимизга 2008 йилнинг мартида ўз тасарруфидаги ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларининг ректорлари ҳамда шу институтларнинг Масофадан ўқитиш маркази раҳбарларини таклиф қилиб "Малака ошириш ва қайта тайёрлаш самарадорлигини оширишда электрон-техник воситалардан фойдаланиш" мавзусидаги илмий-амалий семинар ўтказди.

Анжуманни Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Ахлидинов кириш сўзи билан очиб, ҳозирги шиддат билан ривожланаётган ахборот коммуникациялар даврида ўқитувчи ва ўқувчиларга қўйиладиган талаблар ҳақида гапирди.

Шундан кейин институт ректори, профессор Ҳамидулла Йўлдошев электрон қўлланмалар, мультимедия ҳамда Интернет воситалари ёрдамида масофадан туриб ўқитиш ҳақида йиғилганларни таништирди ва барчани очиқ дарсларга таклиф этди.

Семинар қатнашчиларида физика, кимё, биология, математика, она тили ва адабиёти фанларидан, мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ва бошланғич синф ўқитувчилари бўйича ўтказилган очиқ дарслар катта таассурот қолдирди. Очиқ дарслар кузатилгандан сўнг масофали ўқитиш машғулотларига киришилди.

Бу машғулотларни Миллий ғоя ва маънавият асослари ўқитувчиларининг малакасини ошириш курс тингловчилари учун Ф.Файзуллаева, Информатика ўқитувчиларининг малакасини ошириш курс тингловчилари учун Г.Иргашева, Умумий ўрта таълим мактаб директор ўринбосарларининг малакасини ошириш курс тингловчилари учун Н. Бутабаевалар олиб боришди.

Шундан кейин очиқ дарслар ва масофали ўқитиш машғулотларининг таҳлили ўтказилди. Таҳлил юзасидан сўзга чиққан Халқ таълими вазирлиги ходимлари Ҳ.Қудратуллаева, М.Алиев, А.Авлоний номли ХТХҚТМОМИ Масофадан ўқитиш маркази раҳбари М.Яҳёев, Қашқадарё вилояти ПКҚТМОИ ректори С.Тошевлар дарсларнинг жуда мазмунли, тушунарли бўлганлигини, масофадан ўқитиш машғулотлари янгилик эканлигини таъкидлашди.

Айниқса БМТ қошидаги "Мактабларо ресурс маркази " менежери Л. Николенконинг Масофадан ўқитишга қаратилган маърузаси меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

"Таълим секторини ривожлантириш дастури" лойиҳасини амалга ошириш бўйича маслаҳатчиси германиялик Томас Рассел амалга оширилган ишлар ҳақида гапириб, «Мен бу тизимда масофали ўқитиш ишлари ташкил қилинмаган деб юрсам, институтда бу соҳада кўпгина арзийдиган ишлар қилинган экан, уларнинг тажрибасини ўрганса бўлади» деб юқори баҳо берди.

Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ходимлари 2008/2009 ўқув йилидан бошлаб деярли барча тоифалар бўйича масофали ўқитишни малака ошириш тизимида тўлиқ жорий қилишни асосий мақсад қилиб олишган.

Т.ҲАЙДАРОВ,
ТШПКҚТМОИ Масофадан ўқитиш бўлими раҳбари

БОРЛИҚНИНГ БЕҒУБОР, БЕОЗОР БАХТЛИ ВАКИЛЛАРИ, БУ БОЛАЖОНЛАРДИР. УЛАРНИНГ ПОРЛОҚ КЕЛАЖАГИ, БАХТУ, ИҚБОЛИ ЙЎЛИДА МАМЛАКАТИМИЗДА ҚАТОР ХАЙРЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. АЙНИҚСА БОЛАЖОНЛАРНИНГ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА ҚИЛИНАЁТГАН ИШЛАР ТАҲСИНГА САЗОВОРДИР. БИРГИНА ЮНИСЕФ ТАШКИЛОТИ БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ТАРҒИБ ЭТИШ, УЛАРНИНГ АСОСИЙ ЭҲТИЁЖЛАРИНИ ҚОНДИРИШГА КЎМАКЛАШИШ ВА ЁШЛАР САЛОҲИЯТИНИНГ ОШИШИНИ ТАЪМИНЛАШ, МАВЖУД ИМКОНИЯТЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ КАБИ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА 1994 ЙИЛДАН БУЁН МАМЛАКАТИМИЗДА САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРМОҚДА.

Ҳамкорлик

ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР МУҲОФАЗАСИ ЙЎЛИДА



Ўз ҳамкорлик дастури доирасида ЮНИСЕФ миллий ва маҳаллий миқёсдаги давлат бошқарув органлари ҳамда халқаро ривожланиш бўйича ҳамкорлар билан соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ОИВ, ОИТС га қарши курашиш, сифатли таълимни таъминлаш, таҳқирлаш ва зўравонликдан ҳимоя қилиш борасида қатор ишларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистондаги болалар соғлиғини муҳофаза қилиш, уларнинг маориф йўналишидаги эҳтиёжларини қондириш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг салмоғи юқори. ЮНИСЕФ ташкилоти 1995 йилда мамлакатимиз бўйича бошланган илк дастури орқали соғлиқни сақлаш тизимига жиҳозлар, ўқув машғулотларини ташкил этиш борасида услубий кўмак ҳамда ижтимоий сафарбарлик бўйича ёрдам берди. 1999 йилга келиб эса болаларга асосий хизматларни кўрсатиш янада яхши йўлга қўйилди. Бу эса, ўз навбатида ЮНИСЕФга ўзининг асосий эътиборини ҳуқуқий масалаларга қаратган ҳолда, болалар соғлиғини муҳофаза қилишда Бола Ҳуқуқлари Конвенцияси /БҲҚ/нинг асосий мезон бўлишини таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. ЮНИСЕФ ташкилоти ҳукуматлар, миллий ва маҳаллий ташкилотлар, фуқаролик жамияти, оммавий ахборот воситалари, болалар ва ёшлар билан турли йўналишларда ишлар олиб боради. Булар жумласига болалар манфаатлари учун самарали қонун-қоидалар қабул қилишни тарғиб этиш, улар парвариши ва ҳимояси бўйича ташаббусли дастурларни қўллаб-қувватлаш, болалар ва ёшларнинг фикр, мулоҳазалари эътибордан четда қолмаслигини таъминлаш киради. Ташкилот Ўзбекистондаги болалар ҳаёти ва турмуш даражасини яхшилаш ғоясини тарғиб қилувчи ва бунда ижобий ўзгаришларга эришса олувчи ташкилотлар, муассасалар ёки жисмоний шахсларни аниқлаш ва уларга кўмаклашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бундан ташқари, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда кўмаклашиш, ногирон, ночор ва етим болаларга ҳам маънавий, ҳам моддий томонлама ёрдам бериш, турли хил юқумли касалликларнинг олдини олиш ва улардан халос бўлиш йўлларини излаш, ёшлар камолоти йўлида уларни доимо қўллаб-қувватлашда етакчи бўлиб келмоқда. Бугунги кунда мазкур ташкилот Ўзбекистон ҳукуматига янги тўғилган чақалоқлар ва болалар ҳаётини сақлаб қолишнинг сифатини яхшилаш бўйича янги стратегия ишлаб чиқишда ҳам ёрдамлашмоқда. Шунингдек, ЮНИСЕФ ташкилоти «Ош тузини унверсал йодлаш» дастурига биноан кенг қамровли ёрдам кўрсатди. Ош тузи ишлаб чиқарувчи 11 та корхонага йодлаш дастгоҳларини тақдим этди. ЮНИСЕФнинг 2007 йилдан бошлаб, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан ҳамкорликда табиий офатлар рўй бериши эҳтимоли юқори бўлган жойларда яшовчи аҳоли, айниқса болалар ва аёллар ўртасида хатарни камайтириш бўйича олиб бораётган ишлари ҳам эътиборга моликдир.

Мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишдан буюк иш йўқ. Ташкилотнинг республикамиз миқёсида олиб бораётган ишлари ҳам ана шундай эзгуликка йўналтирилган. Аксарият дастурлари замирида авваламбор оналар ва болажонлар соғлиғи биринчи ўринда туради.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

СУРАТЛАРДА: ЮНИСЕФ ташкилоти фаолиятидан лавҳалар

БОЛАЖОНЛАР ФЕСТИВАЛИ ЎТКАЗИЛДИ

МАРКАЗИЙ ОФИЦЕРЛАР САРОЙИДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА "АССАЛОМ, НАВРЎЗ!" ШИОРИ ОСТИДА ФЕСТИВАЛ ЎТКАЗИЛДИ.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу фестивалга Республика Мудофаа вазирлигига қарашли Тошкент шаҳри ва вилоятидан тўққизта мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари ўз маҳоратларини намойиш этди.

Республика Мудофаа вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган мазкур фестивалдан кўзланган асосий мақсад ҳарбий хизматчиларнинг оилаларини янада мустаҳкамлаш, фарзандлари, оилаларига ҳар томонлама кўмаклашиш, болалар онгига ватанпарварлик туйғуларини янада шакллантириш билан бирга моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватлашга қаратилган. Шунингдек, иқтидорли ва истеъдодли болажонларни топиб, уларни рағбатлантиришга ҳам катта аҳамият берилмоқда.

Тадбирда ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ўртасида турли хил маданий-маърифий танловларнинг уюштирилиши катта аҳамиятга эгалиги қайд этилди. Шунингдек, бугунги кунда Мудофаа вазирлиги тасарруфида ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлими фаолият олиб бораётганлиги тўғрисида маълумот берилди. Бундан ташқари, вазирлик ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда Низом ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра турли тадбир ва танловлар ўтказилаётир.

Болажонларнинг турли чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Улар жонли ижрода қўшиқлар куйлаб, шеърлар айтишди. Ўзлари тайёрлаган саҳна кўринишларини қизиқарли тарзда ижро этишди. Уларнинг ҳар бир ижроси ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди. Ғолиб жамоаларга вазирлик ва ҳомий ташкилотлар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,
"Туркистон-пресс"

ТЕЖАМКОР БЎЛАЙЛИК

ҲОЗИРГИ ДАВРДА ҲАЁТИМИЗНИ, ИШИМИЗНИ ЕНГИЛЛАШТИРАЁТГАН, ВАҚТИМИЗНИ ТЕЖАБ ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИБ БЕРАЁТГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ, БИЗНИНГ ХАЁТИМИЗДА АСОСИЙ ЎРИН ЭГАЛЛАБ БОРМОҚДА, БИРОҚ УНДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИШНИ БИЛИШ КЕРАК.

Сўнги йилларда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинаётган қарорларда истеъмолчиларнинг электр энергиясидан самарали фойдаланиши, тўлов интизомини мустаҳкамлаш ва исрофгарчиликка йўл қўймаслик каби долзарб вазифалар белгилаб берилган. Айниқса, ҳукуматимизнинг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-ва 512-сонли қарорлари энергетика тизимидаги аҳволни яхшилаш учун муҳим аҳамият касб этади. Ушбу қарорларга мувофиқ юридик шахс бўлган истеъмолчиларга бериладиган электр энергияси учун бир ойлик истеъмол ҳажмининг камида 30 фоиз ҳақини мажбурий равишда олдиндан тўлаш тартиби жорий қилинди.

Истеъмолчилардаги мавжуд электр ҳисоблагичларни замонавий электрон ҳисоблагичларга алмаштириш борасида мунтазам иш олиб борилмоқда.

Албатта бу ҳаракатлар ўз самарасини бериб, электр энергиясидан фойдаланиш соҳасида ижобий ўзгаришларни кузатиш мумкин.

Бунга мисол қилиб жорий йилнинг февраль ойида фойдаланилган электр энергия учун амалга оширилган тўловлар кўрсаткичларини кўриб чиқадиган бўлсак, улар қуйидагича: Яккасарой тумани бўйича 82,5 фоиз, Миробод тумани — 99,4 фоиз, Шайхонтоҳур тумани — 77,7 фоиз, М.Улуғбек тумани — 70,9 фоиз, Чилонзор тумани — 76,0 фоиз, Учтепа тумани — 77,4 фоиз, Ҳамза тумани — 83,1 фоиз, Сергели тумани — 74,2 фоиз, С.Раҳимов тумани — 74,6 фоиз, Юнусобод тумани — 95,0 фоиз.

Бироқ шу билан бирга бу соҳада йўл қўйилаётган камчиликларни яъни ўрганиш давомида аниқланган қоидабузиш ҳолатлари мавжудлигини ҳам айтиб ўтиш лозим:

Масалан, Муқанна кўчасида жойлашган, электр энергия истеъмолчиси бўлган «Хизмат савдо» ХФда Тошкент шаҳар электр тармоқлари ОАЖнинг тармоқларига ноқонуний уланиб олганлиги сабабли 71126,6 сўм миқдорда жарима ундирилди;

Беруний кўчаси 5-уйда жойлашган хусусий тадбиркор Султанов томонидан электр энергиясидан электр ҳисоблагичсиз фойдаланганлиги учун қайта ҳисоб-китоб қилиниб 100000сўм миқдорида жарима ундирилди;

Жойлардаги аҳвол шуни кўрсатадики, электр энергияси ресурсларидан масъулиятсизлик билан фойдаланиш, электр тармоқларига рухсатсиз уланиб олиш, фойдаланилган электр энергияси учун тўловларни ўз вақтида амалга оширилмаслик аксарият ҳолларда электр энергиянинг белгиланган меъёрлардан ортиқча сарф бўлишига, истеъмолчилардаги электр таъминотида узилишларга сабаб бўлмоқда. Бундай ҳолларнинг юзага келмаслиги ҳар биримизнинг ўзимизга боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Т.ХАПИЗОВ,
Э.ҚАДИРБЕКОВ,
«Ўздавэнергоназорат» инспекцияси ходимлари

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

«ЕВРООСИЁ» ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР АССОЦИАЦИЯСИ ЮРТИМИЗНИНГ АНҚАРАДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2007 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМИОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2008 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИ ЮЗАСИДАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ЎТКАЗДИ.

Унда Туркиянинг сиёсий, иқтисодий, таҳлил, ишбилармон доиралари ва жамоатчилиги шунингдек, хорижий дипломатия корпуси вакиллари иштирок этди.

Конференция номига мамлакатнинг кўплаб нуфузли давлат ва жамоат арбобларидан, жумладан Туркиянинг Бош вазири Т.Эрдоган, Буюк миллат мажлиси спикери К.Топтан ва бошқа ҳукумат аъзоларидан қутлов мактублари олинди.

Туркия-Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши ҳамраиси И.Кавунжу Президент Ислом Каримов маърузасига юксак баҳо бериб, Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жадал суръатларда кечаётганини қайд этди. У ўз нутқида бир неча йилдан буён ўзбекистонлик тадбиркорлар билан муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келаётгани ҳақида мисоллар келтирди.

Бози давлат университети доктори М.Эрол Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида қўлга киритган ютуқларини алоҳида қайд этди.

«Сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг деярли барча жабҳаларида ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда» дейди туркиялик олим.

— 2007 йилда Ўзбекистон қўлга киритган ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги муваффақият ва кўрсаткичлар ҳамкорликни янада фаоллаштиришга интилаётган туркиялик ишбилармонларда ишонч ва кўтаринкилик туйғусини уйғотмоқда. Президент Ислом Каримов маърузасида эришилган натижалар акс этган. Шунингдек, унда хусусий тадбиркорликни янада либераллаштириш ва рағбатлантиришнинг устувор истиқболлари, банк ва молия соҳасидаги ислоҳотлар кўламини кенгайтириш, солиқ юкини камайтириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш масалалари аниқ белгилаб берилган, — дея урғу беради М.Эрол. — Маърузада корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ўз зиммасига оладиган ишончли ва масъулиятли сармоядорларни хусусийлаштириш жараёнларига кенг жалб этиш учун Ўзбекистонда қулай шарт-шароитлар яратилганига алоҳида эътибор қаратилган.

Туркия ташқи савдо вазири ўринбосари У.Гюзел хонимнинг таъкидлашича, Туркия томони 2008 йилда Ўзбекистон билан ташқи савдо айланмаси ҳажмини 1 миллиард долларга, яқин келажакда эса бу кўрсаткични 2 миллиард долларга етказишга умид боғламоқда. У Туркиянинг республикамиз иқтисодиётига киритган сармоялари умумий миқдори 1,5 миллиард долларни ташкил этганини қайд этди. 2006 йилда икки томонлама савдо айланмаси 600 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. 2007 йил якунлари бўйича эса бу кўрсаткич 840 миллион доллардан ошди.

Ташқи савдо айланмасини янада фаоллаштириш мақсадида яқин кунларда Савдо ва иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркия ҳукуматлараро комиссияси мажлисини ўтказиш режалаштирилмоқда. У.Гюзел хоним Туркия томони ишбилармон доира вакилларидан иборат катта гуруҳнинг Ўзбекистонга ташрифини ташкил этиш ниятида эканини ҳам маълум қилди.

Конференцияда сўзга чиққан «КДМ» консалтинг компанияси раҳбари, Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг Туркиядаги расмий вакили Т.Керман, шунингдек «Ўзбектуризм»нинг расмий вакили — «Ирфан туризм» сайёҳлик компанияси раҳбари Э.Эшсиз ҳамда «Интератлас» кўргазмалар компанияси раҳбари Э.Тош ўз шахсий тажрибаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда хориж инвесторларининг муваффақиятли фаолият юритиши учун яратилган қулай ва ғоят имтиёзли шароитлар хусусида сўзлаб бердилар.

«Ирфан туризм» сайёҳлик компанияси раҳбари Э.Эшсиз ўз нутқида Ўзбекистоннинг ўрни ва унинг сайёҳлик салоҳияти, мамлакатда тарихий обидаларни асраб-авайлаш ва уларни тиклаш йўлида амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталиб, сўнгги йилларда республика раҳбарияти томонидан бу борада салмоқли қадамлар ташланганини алоҳида таъкидлади.

Конференцияда сўзга чиққан Туркиянинг ҳамкорлик ва тараққиёт бўйича агентлиги раиси М.Кулакликая, унинг ташкилоти 1994 йилда Тошкентда ўз ваколатхонасини очганидан буён Ўзбекистонда самарали фаолият юритиб келаётганини маълум қилди. У ҳукуматимиз томонидан фан, маданият ва халқаро туризмни ривожлантиришга нечоғлик катта эътибор кўрсатилаётганини таъкидлади.

Тадбир иштирокчилари Президент Ислом Каримов маърузасига бағишланган ушбу илмий-амалий конференция Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг бугунги босқичи ҳақида батафсил маълумот олиш имкониятини берганини қайд этдилар.

Якунланган анжуман икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга бўлган интилишни намоён этди. Шунингдек, у Туркияда юртимиз, анъана ва маънавий қадриятларимиз, маданий меросимиз ва Ўзбекистоннинг бугунги кунда эришаётган ютуқларига бўлган қизиқиш тобора ўсиб бораётганини кўрсатди.

Тадбир Туркиянинг етакчи оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

«Жаҳон» АА
Анқара



Анжуманлар

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ АЙНИҚСА КЕЛАЖАК ЭГАЛАРИ БЎЛМИШ ЁШ АВЛОДНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ, МАВҚЕИ, ҲАР СОҲАДА ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛДИ. ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.

Куни кеча Чилонзор туман хотин-қизлар қўмитаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Диний экстремизм ва ёшлар» мавзуида ташкил этилган анжуман ҳам айнан юқоридаги мақсадларни ўзида қамраб олгани билан эътиборга молиқдир.

Тумандаги 49 та маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, фуқаролар йиғинлари раислари, турли ташкилот ва корхоналар раҳбарлари ва «Камолот» ЁИҲ туман бўлими ходимлари иштирок этган ушбу тадбирда ғоятда долзарб бўлган масалалар хусусида соҳа мутасаддиларининг фикр-мулоҳазалари эшитилди.

— Ёшлар эртанги кунимиз, бошлаган хайрли ишларимизнинг давомчиларидир, — деди жумладан тадбирда сўз олган туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Муаттар Содиқова. — Уларни жамиятимизга ёт бўлган турли иллатлардан, диний экстремизм, ҳар хил оқимлардан, гиёвандлик, жиноятчилик каби умр заволи бўлган офатлардан асрашимиз лозим. Бунинг учун аввало уларнинг диний билимларини ошириш, ҳаётга тўғри қарашни ўргатиш, виждон эркинлиги, Конституциямиздаги қонун-қоидалар мазмун-мақсади, она-Ватан, миллат шаъни, қадр-қиммати, буюк қадриятлар каби инсоний тушунчаларни улар онгига сингдириш, қолаверса инсонлар руҳини поклаш керак. Ёшларга жуда кичкиналигидан, яъни боғча, мактаб, коллеж, лицейдан бошлаб тўғри тарбия берилса у иймони бут, виждони тоза, руҳи пок бўлиб вояга етади. Албатта ўз-ўзидан маълумки, руҳи пок инсон ўз элига, юртига ҳеч қачон ёмонлик қилмайди, оқни қорадан, қорани оқдан ўзи ажратиб олади, турли ноқонуний оқимлар таъсирига тушиб қолмасдан тўғри йўлга бошқаларни ҳам эргаштира олади. Демак, ҳар биримиз эртамиз учун масъул эканимизни тушунган ҳолда ўсиб келаётган ёшлар билан ишлашимиз лозим. Уларга меҳнат қилиш, илм олиш, касб-ҳунарли бўлишнинг сир-асрорларини меҳр билан тушунтиришимиз, ўргатишимиз керак. Токи улар ҳаётда қоқилиб қолмасинлар, ялтираб кўринган нарсанинг ҳаммаси ҳам олтин бўлавермаслигини ўзлари тушуниб етсинлар. Огоҳлик, сезгирлик билангина ён-атрофимиздаги воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлишимиз мумкин. Чунки ёнимиздаги ҳар бир адашган, гиёвандлик, жиноятчилик кўчасига қадам қўйган ҳар бир ёш ниҳол ўзимизнинг фарзандимиз, жамиятимизнинг оғриқли нуқтаси, бошқаларни ҳам йўлдан оздирувчи бемори, шундай экан, келинг ҳар биримиз эртамизнинг фаровон, обод, тўкин бўлиши учун биргаликда ҳаракат қилайлик.

Мавзу доирасида сўз олганлар диний экстремизм, жиноятчилик, гиёвандлик, жамиятимизга ёт бўлган турли ноқонуний оқимлар таъсиридан ёшларни сақлаш жуда долзарб масала эканлиги, бунда ўқитувчи-мураббийлар, ота-она, маҳалла-кўйнинг ўрни катталиги ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Тадбир ниҳоятда жонли, фикр-мулоҳаза, савол-жавобларга бой бўлди. Ўйлаймизки ҳар бир қатнашчини мушоҳада қилишга чорлаган ушбу анжуман келгусида ёшлар тарбиясида албатта ўзининг яхши натижаларини беради. Зеро, Юртбошимиз халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида таъкидлаганларидек: «Таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон деб аталган шу табаррук заминга эзгу ният билан бир ниҳол экмоқчи бўлсак, уни айнан шу бугун экишимиз керак».

Шоира МУҲАМЕДОВА



МАҲАЛЛАДА НАВРЎЗ ШОДИЁНАСИ

УЧТЕПА ТУМАНИДАГИ «ҚУЙИ ДАРХОН» МАҲАЛЛАСИ ТУМАНДАГИ ЭНГ НАМУНАЛИ МАҲАЛЛАЛАРДАН САНАЛАДИ. УШБУ МАҲАЛЛАДА БАРЧА ТАДБИРЛАР, ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИ КЎПЧИЛИКНИНГ САЙЪ-ҲАРАКАТЛАРИ БИЛАН ҲАМЖИҲАТЛИКДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

Жумладан, маҳаллада ўтган йили октябрь ойида фаолларнинг саъй-ҳаракати билан 350 ўринга мўлжалланган тўй-ҳашамлар, байрам ва турли маънавий-маърифий тадбирларни ўтказишга мўлжалланган гузар қуриб битказилди ва у ҳозирда илм, фан, маданиятмаърифат ва тантаналар ўтказиш маркази сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, асосан ҳашар йўли билан қуриб битказилган ушбу марказда Ёшлар йили муносабати билан тадбиркор оқсоқол С.Шамсиев ҳамда фаоллар бошчилигида ҳар ойнинг белгиланган кунида 50-60 нафар маҳалла ёшлари йиғилишиб, ўз муаммо -ютуқлари билан ўртоқлашадилар, ёшларнинг ечимини кутаётган муаммоларини кўпчилик ёрдамида ҳал этиш тадбирлари кўрилади. Бундан ташқари турли байрам тадбирлари ҳам марказда файзли тарзда ўтказилмоқда.

Ўлкамизда баҳор ўз сепини ёйиб, Наврўзи олам шукуҳи кезаётган ушбу файзиёб кунларда «Қуйи Дархон» маҳалласи марказида «Ассалом, Наврўзи олам!» номли байрам тадбири бўлиб ўтди. Наврўзнинг тотли таомлари ҳисобланмиш кўк сомса, чучвараю сумалак тортилган байрам дастурхонига маҳалланинг уч юзга яқин табаррук отахон ва онахонлари, фаол аёллар, дилбар келин ва қизлар таклиф этилди. Тадбирда маҳалла ҳудудида жойлашган бешта кўп қаватли уйлар аҳли ҳам фаол қатнашди.

Шу куни йиғилганларни яшариш ва янгиланиш байрами билан Учтепа туман хотин-қизлар қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи Г.Тўйчиева, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими раиси Р.Ўрмонова, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими масъул котиби А.Ибрагимова, «Хондамир» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Ш.Бадаловалар ўзларининг энг эзгу дил сўзлари билан қутлашди. Шунингдек, Тошкент Давлат педагогика университетининг катта ўқитувчиси Қ.Содиқов, нафақадаги педагог устоз Э.Солиҳов, маҳалла нуронийси А.Акромовлар ҳам ўз табригу хайрли тилаклари билан кечага файз киритдилар.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Садир Шамсиев, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Маҳбубахон Тошмуҳамедова, масъул котиб Баҳодир Ғиёсхўжаев, фаоллардан Қаҳрамон Нурматов, Жаҳонгир Йўлдошевлар саъй-ҳаракатлари билан ташкил этилган байрам тадбири давомида шўх куй-қўшиқлар янграб, давра файзига файз қўшилди. Шунингдек, «Энг яхши қайнона», «Муқаддас аёл», «Ибратли келин», «Миришкор аёл», «Маҳалланинг фаол аёли» каби саккизта номинация бўйича ташкил этилган танлов ғолибларига Фахрий ёрлиқлар ва совғалар топширилди.

Маҳалладаги байрам тадбиридан сўнг йигирмага яқин хонадонга баҳорнинг тансиқ таоми — сумалак тарқатилди. Кечада қатнаша олмаган уруш ва меҳнат фахрийлари ва юз ёш билан юзлашган Вахоб ота Саидназаров ҳолидан ҳабар олинди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

СУРАТЛАРДА: «Қуйи Дархон» маҳалласида бўлиб ўтган байрам тадбиридан лавҳалар

Алоқа

МАРКАЗ ҲУЗУРИДА ЛАБОРАТОРИЯ

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИДА ОПЕРАЦИОН ТИЗИМНИ ЯРАТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚАТОР ЛОЙИҲАЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. «ДЕППИК» ДЕГАН НОМДА ЮЗАГА КЕЛГАН ИХТИРО ҲАМ МУТАХАССИСЛАР ЭЪТИБОРИНИ ЎЗИГА ТОРТМОҚДА.

Агентлик ҳузурида ташкил этилган ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш марказида олиб борилган изланиш натижаси саналган бу тадқиқот алоқа ва ахборот технологиялари тармоғини ривожлантиришда ҳам қўл келади. Айни вақтда миллий операцион тизимни ривожлантириш имкони туғилади. Марказда махсус лаборатория очилиши билан миллий ахборот технологияларини маҳаллий муҳитга, хусусан, тил хусусиятларига мослаштиришга доир изланишлар ривож топди.

ТОЛМАС ТАДҚИҚОТЧИ

АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ ДОИРАСИДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ МАСАЛАСИ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА. АНА ШУ МУҲИМ ТЕХНИКАВИЙ ЙЎНАЛИШНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШДА ТАНИҚЛИ ТАДҚИҚОТЧИ РИХСИ ИСАЕВНИНГ ХИЗМАТИ КАТТА БЎЛДИ.

Электроалоқа соҳасида йирик изланишлар олиб бораётган бу фан арбоби саъй-ҳаракати билан республикамизда дастлабки ахборот хавфсизлиги лабораторияси юзага келган эди.

Толмас тадқиқотчи илмий-техник ва маркетинг тадқиқотлар марказига раҳбарлик қилган йилларда телекоммуникация, техника воситалари бўйича сертификация маркази фаолиятини йўлга қўйган эди.

Бу каби хизматлари учун унга «Ўзстандарт» фахрий ёрлиғи берилди. Айни вақтда у «Алоқа устаси» деган фахрий ном эгасидир.

КЎРИК-ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА 2010 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА «ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН ҲАМ ИБРАТЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

«Тошкент почтамти»да уюштирилаётган тадбирлар ҳам соҳа ривожига хизмат қилмоқда. Бу ерда ўтказилган «Энг яхши почта хизматчиси» кўрик-танловида бир неча ғолиблар аниқланди.

Акбар АЛИЕВ

МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТИ ЯККАСАРОЙ ТУМАН БЎЛИМИ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

Азиз ҳамшаҳарларимизни кириб келаётган яшариш ва янгиланиш айёми—

Наврўзи олам

билан самимий муборакбод этади.
Кўклам нафаси хонадонларимизга тинчлик-осойишталик, қут-барака ва файз олиб кирсин!

Ҳайдовчиликка ўқишни хоҳловчиларни «В», «ВС», «С» тоифадаги ҳайдовчилик курсларига таклиф этамиз

Хизматлар лицензияланган

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР, МАМЛАКАТИМИЗНИНГ КЕЛАЖАГИ БЎЛМИШ ЁШЛАР!

Барчангизни оламни гўзаллик ва файз-тароватга тўлдириб кириб келаётган яшариш ва янгиланиш байрами —

НАВРЎЗИ ОЛАМ БИЛАН САМИМИЙ ҚУТЛАЙМИЗ.

Оилавий бахт, ишларингизда омаду улкан зафарлар доимо ёр бўлсин.
Баҳорий хуш кайфият ҳеч қачон сизларни тарк этмасин.
Ёшлар йилида хонадонларимиздан файзу барака, тўкин-сочинлик аримасин, барчамиз соғ-саломат бўлайлик.

«Меҳрли савдо» шўъба корхонаси жамоаси

ҚАДРЛИ ҲАМЮРТЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИ ЖАМОАСИ

Қалбларимизни баҳорий туйғуларга тўлдириб, барчамизни меҳр-оқибат ва эзгуликка чорлагувчи азиз ва севимли байрам

НАВРЎЗ АЙЁМИ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ.

Сизларга соғлик-омонлик, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, дастурхонингизга қут-барака, юртимизга тинчлик, фаровонлик тилаймиз. Наврўз байрами ҳаммамиз учун қутлуғ келсин!
Кўнгилли ва мароқли дам олиш истагида бўлсангиз, боғимизга ташриф буюринг.



«ТОШКЕНТ ОЗИҚ-ОВҚАТ ЗАҲИРАСИ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Барча ҳамшаҳарларимиз, соҳа ходимларини ўлкамизга ўз сепини ёяётган

Наврўзи олам

шодиёналари билан табриклайди. Дастурхонингиз доимо тўкин, дилларингиз шод ва хонадонларингиз обод бўлишига тилакдошмиз.

АЗИЗЛАР!

Баҳорнинг ушбу файзиёб кунларида барчангизни уйғониш ва янгиланиш рамзи бўлмиш

Наврўзи олам

байрами билан муборакбод этамиз. Хонадонингиздан қут-барака, дастурхонингиздан тўкинлик аримасин.

«Пойтахт таом сервис» давлат унитар корхонаси жамоаси.

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

кўнгилларга янгиланиш ва эзгулик ҳисларини бахш этувчи Наврўзи олам шодиёналари барчангизга муборак бўлсин! Шукроналик ва шодлик туйғулари дилларингизни ҳеч қачон тарк этмасин.

«САФ САВДО»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

Республикамиз аҳолисини муқаддас, ўйғониш ва яшариш, гўзаллик ва нафосат, мурувват ва саховат рамзи –

НАВРЎЗ АЙЁМИ

муносабати билан самимий муборакбод этади.

Сиз, азизларга тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, оилангизга бахт-саодат, дастурхонингизга кут-барака тилаган ҳолда ҳар томонлама манфаатли бўлган банкнинг қўйидаги янги омонат турларига ортиқна маблағингизни қўйиб қўшимча даромад олишни тавсия этади.

- **«БАҲОР ҚУВОНЧИ»**—ютуқли, сақлаш муддати 3 ой, бошланғич бадал **20 000 сўм**
  Омонатчи белгиланган фоиз даромадларини олиш билан бир қаторда **1 000 000 сўм ютуқ эгаси бўлиш** имкониятига эга.
- **«ТАҚДИМ ЭТУВЧИ»**—муддатли, сақлаш муддати **3,6,9,12 ой.**
  Фоиз даромади—йиллик **30 фоиз**
  Бошланғич бадал **200 000 сўм**
  Фоиз даромадини ҳар ойда олиш имкониятига эгасиз.
- **«БАРҚАРОР»**—муддатли, сақлаш муддати **6 ой**
  Фоиз даромади—йиллик **30 фоиз**
  Бошланғич бадал **200 000 сўм**

Фоиз даромади ҳар ойда ҳисобланиб омонатчининг биринчи талаби бўйича берилади.

ХАЛҚ БАНКИДА АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИНИНГ ДАҲЛСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН

Хизматлар лицензияланган.

ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

Ҳаммангизни поклик ва эзгулик рамзи бўлмиш

НАВРЎЗИ ОЛАМ

байрами билан қутлаймиз. Улуғ айём кунларида бахт-саодат, сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга ободлик ва шинамлик тилаймиз.

«МАХСУСТРАНС» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

«ТОШКЕНТНОН»

УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

Азим пойтахтимиз аҳли ва шаҳримиз меҳмонларини Наврўзи олам шодиёналари билан қизғин қутлайди. Мустақил Ватанимизни гуллатиб-яшнатиш ва юксалтириш йўлидаги ишларингизда зафар доимо ёр бўлсин!

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ — ЎЗБЕКИСТОН:
ЁШЛАР ОРЗУСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

ТОШКЕНТДА "КОРЕЯ БИРЛАШУВИ: ОРЗУ ВА ҲАҚИҚАТ" ДЕБ НОМЛАНГАН – НОТИҚЛИК САНЪАТИ ТАНЛОВИ ҲАМДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Корейс тилини ўрганаётган талабалар ўртасида ташкил этилган мазкур тадбир ўзбекистонлик ёшларнинг корейс тилига бўлган қизиқишларини рағбатлантиришга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир. Унда Тошкент давлат Шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети, Самарқанд давлат чет тиллари институти ҳамда Аль-Фаробий номли Қозоғистон миллий университети талабалари ўзаро беллашишди.

Тадбирда сўз олган Корея Республикасининг Ўзбекистондаги таълим маркази директори Ким Джэнг Сэк ва Корея Тинчлик бирлашмасининг Марказий Осиё қўмитаси раиси Им Сэн Су икки давлат ўртасидаги иқтисодий-маданий ҳамда таълим соҳасидаги кенг кўламли ҳамкорлик хусусида тўхталиб ўтди.

Илмий анжуман иштирокчилари турли соҳаларда "Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги иқтисодий-ижтимоий ҳамда таълим соҳасидаги алоқалар", "Корейс шоири Ким Совол ва Ҳамид Олимжон лирикасининг ўзига хос жиҳатлари", "Корейс мақоллари" каби мавзуларда маърузалар қилишди.

—Бу анжуманда биринчи бор иштирок этишим дейди,— Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети 4-босқич талабаси Нафиса Пардаева. – "Марказий Осиё — Корея: маданиятларнинг ўхшашликлари" мавзусини очиб беришга ҳаракат қилдим. Бу мавзу ўта масъулиятли эди, шу боис бироз ҳаяжонландим. Энг муҳими, бу анжуман менга кўп нарса ўргатди.

"Корея бирлашуви: орзу ва ҳақиқат" деб номланган нотиқлик санъати танловида биринчи ўрин Тошкент давлат Шарқшунослик институти 1-босқич талабаси Шоҳрух Матқурбоновга насиб этган бўлса, Самарқанд давлат чет тиллар институти 3-босқич талабаси Дилноза Ҳамроқулова гран-при соҳиби бўлди. Талабаларнинг илмий-амалий анжуманида Тошкент давлат Шарқшунослик институти 3-босқич талабаси Ли Мариянинг "Корейс шоири Ким Совол ва Ҳамид Олимжон лирикасининг ўзига хос жиҳатлари" номли маърузаси энг яхши маъруза сифатида ғолибликни қўлга киритди.

Рахшона ТОШПЎЛАТОВА,
"Туркистон-пресс"

«ИПАК ЙЎЛИ»

БАНКИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни ва ўз мижозларини янгиланиш ва уйғониш байрами бўлмиш Наврўзи олам билан чин қалбдан табриклайди!

Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва муваффақиятлар тилайди!

АНЖУМАН ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛАДИ

ТОШКЕНТДА "ЎЗБЕКИСТОН ТРАНСПОРТИ: РИВОЖЛАНИШ МАШАҚҚАТЛАРИ ВА УНИ ЕНГИБ ЎТИШ ЙЎЛЛАРИ" МАВЗУИДА АНЖУМАН ЎТКАЗИЛДИ.

Тадбир Республика Савдо-саноат палатаси, "Central Asia Consulting Group" консалтинг компанияси ҳамда "Ўзбекистон бизнес форуми" лойиҳаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон юкларини дунё бозорига чиқаришнинг ўзига хос қийинчиликлари, бу борада халқаро ҳамкорликни йўлга қўйишнинг эса бир қанча афзалликлари мавжуд. Биринчидан, Ўзбекистон транспорт коммуникацияси нуқтаи назаридан олиб қараганда энг яқин денгиз йўлларига чиқиш учун ҳам камида иккита давлат чегарасидан ўтади. Иккинчидан, республикамиз Осиёнинг марказида жойлашганлиги туфайли халқаро транзит имкониятларидан самарали фойдаланиб, дунё транспорт коммуникациялари соҳасида фаол иштирок этиш имкониятлари мавжуд. Хусусан, маҳаллий ва хорижий корхоналарга автотранспортларда юк ташиш ва бошқа хил хизмат кўрсатиш турларини ривожлантириш мумкин. Демак, мазкур соҳани тараққий эттириш мавжуд муаммоларни чуқур ўрганиш ва ҳал этиш, мамлакат корхоналарида тайёрланаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини янада оширишни тақозо этади. Шунингдек, хусусий тармоқ ҳамда давлат идоралари фаолиятини мунтазам равишда мувофиқлаштириб туриш лозим бўлади.

Анжуман иштирокчилари "Ўзбекистоннинг транспорт имконияти: таклиф ва истиқбол", "Транспорт бизнеси – хусусий бизнеснинг тажрибаси ва муаммолари" мавзуидаги маърузалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Айтиш мумкинки, бу мулоқот соҳа мутахассисларини ҳамкорликка чорлади.

"Ҳаёт хавфсизлиги асослари — болалар ҳаётини муҳофаза қилишнинг муҳим мезони" шиори остида ўтказилган ушбу тадбир "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси томонидан "Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш" дастури доирасида ташкил қилинди.

